


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР
ИНСТИТУТИ

УСТАВИ



Самарқанд – 2019

Рўйхатга олинган
Самарқанд шаҳар ҳокимининг
2019 йил 30 апрелдаги
№ 1197-Қ сонли қарори



Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус
таълим вазирлигининг
2019 йил 13 апрелдаги
341 - сон буйруғи билан
тасдиқланган.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ
(SAMARQAND DAVLAT CHET TILLAR INSTITUTI)

УСТАВИ

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 8 ноябрдаги “Самарқанд давлат чет тиллар институтини ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ-984-сон Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 9 ноябрдаги “Самарқанд давлат чет тиллар институтини ташкил этиш тўғрисида”ги 542-сон қарори асосида ташкил қилинган ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ташкилий тузилмасига киради.

2. Самарқанд давлат чет тиллар институти давлат олий таълим муассасаси ҳисобланиб, олий таълимнинг асосий таълим дастурларини бажариш бўйича таълим фаолияти билан шуғулланади, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ ўқув-педагогик ва илмий-методик, шунингдек, бошқа фаолиятни амалга оширади ҳамда таълим хизматларини кўрсатади.

3. Самарқанд давлат чет тиллар институти ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, “Таълим тўғрисида”ги ва бошқа қонунларга, Олий Мажлис палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари ва мазкур Уставга амал қилади.

4. Самарқанд давлат чет тиллар институти юридик шахс ҳисобланади. Оператив бошқарувида ўзига хос махсус мол-мулкка эга ва ушбу мол-мулк бўйича ўз мажбуриятларига мувофиқ жавоб беради, ўз номидан мол-мулк сотиб олиши ва мулкий ҳамда номулкий ҳуқуқларни амалга ошириши, зиммасига мажбурият олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин. Мустақил балансга, банк муассасаларида ҳисоб-китоб ва бошқа, шу жумладан, валюта бўйича ҳисоб рақамларига, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи давлат тилида ёзилган муҳрга, штампига ва қонун ҳужжатларига мувофиқ ўзининг фаолияти учун зарур бўлган бошқа хизмат белгилари ва реквизитларга эга.

5. Самарқанд давлат чет тиллар институтининг расмий тўлиқ ва қисқа номи:

давлат тилида, кирилл алифбосида: **Самарқанд давлат чет тиллар институти - “СамДЧТИ”**

давлат тилида, лотин алифбосида: **Samarqand davlat chet tillar instituti - “SamDCHTI”**

рус тилида: **Самаркандский государственный институт иностранных языков - “СамГИИЯ”**

инглиз тилида: **Samarkand state institute of foreign languages - “SSIFL”.**

6. СамДЧТИ ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тузилмасига киради.

7. СамДЧТИ юридик манзили:

Самарқанд шаҳри, Бўстонсарой кўчаси, 93 уй, тел. +998662337843,
факс:+ 998662100018, электрон манзил: ssifl_info@edu.uz, www.samdchti.uz

Банк реквизитлари:

ш/х: 100010860184017094100079003;

ш/х: 100010860184017097300079003;

ш/х: 100010860184017097400221003;

ш/х: 400210860184017950100079001;

ш/х: 400910860184017950100079003;

ш/х: 400110860184017950100079003;

ш/х: 400110860184017950100079018;

ш/х: 499910860184017950100079003;

банк номи Марказий банк ХККМ Тошкент шаҳар бош Бошқармаси,
МФО 00014, СТИРи 202001213, ОКОНХ 92110.

II. САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ

8. СамДЧТИ нинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

-замонавий педагогик ва ахборот-коммуникацион технологияларни қўллаш асосида юқори малакали ўқитувчи ва илмий кадрларни замонавий талаблар даражасида тайёрлаш;

-Республиканинг чет тили йўналишлари бўйича олий маълумотли кадрлар тайёрлаш соҳасидаги таянч олий таълим муассасаси сифатида олий таълимнинг ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришни таъминлаш;

-фундаментал илмий тадқиқотлар ўтказиш, илм-фаннинг истиқболли, юқори технологияли йўналишлари бўйича мамлакатимиз илмий мактабларини ривожлантириш, илм-фан ва олий таълим соҳаларида етакчи хорижий институтлар ва илмий марказлар билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш;

-мамлакат олий таълим муассасаларининг таълим-тарбия, илмий-услубий ва маданий-маърифий фаолиятини мувофиқлаштириш, узлуксиз таълим тизими босқичларининг узлуксизлиги ва давомийлигини таъминлаш;

-олий таълим муассасалари ўқитувчилари ҳамда илмий-тадқиқот ташкилотлари мутахассисларини қайта тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш тизимини эътироф этилган халқаро талаблар ва стандартлар даражасида такомиллаштириш;

-жаҳоннинг етакчи илмий-таълим муассасалари билан яқин ҳамкорлик алоқалари ўрнатиш, ўқув жараёнига халқаро таълим стандартларига асосланган илғор педагогик технологиялар, ўқув дастурлари ва ўқув-услубий материалларини кенг жорий қилиш, ўқув-педагогик фаолиятга, мастер-класслар ўтказишга, малака ошириш курсларига хорижий ҳамкор таълим муассасаларидан юқори малакали ўқитувчилар ва олимларни фаол

жалб қилиш, уларнинг базасида тизимли асосда СамДЧТИ магистрант, ёш ўқитувчи ва илмий ходимларининг стажировка ўташларини, профессор-ўқитувчиларни қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил қилиш;

-олий маълумотли мутахассислар тайёрлашнинг мақсадли параметрларини шакллантириш, СамДЧТИ да таълим йўналишлари ва мутахассисликларини истиқболда минтакалар ва иқтисодиёт тармоқларини комплекс ривожлантириш, амалга оширилаётган ҳудудий ва тармоқ дастурларининг талабларини инобатга олган ҳолда оптималлаштириш;

-таълим жараёнига, олий таълимнинг ўқув режа ва дастурларига янги педагогик технологиялар ва ўқитиш усулларини кенг жорий этиш, магистратура илмий-таълим жараёнини сифат жиҳатидан янгилаш ва замонавий шаклларни жорий этиш асосида янада такомиллаштириш;

-янги авлод ўқув адабиётларини яратиш ва таълим жараёнига кенг татбиқ этиш, институтни замонавий ўқув, ўқув-методик ва илмий адабиётлар билан таъминлаш, шу жумладан, янги адабиётлар сотиб олиш ва таълим жараёнига жорий қилиш, ахборот-ресурс марказлари фондларини мунтазам янгилаб бориш;

-педагог кадрларнинг касб маҳорати сифати ва савиясини узлуксиз юксалтириш, хорижда педагог ва илмий ходимларнинг малакасини ошириш ва стажировкасини ўтказиш, битирувчиларни PhD ва магистратура дастурлари бўйича ўқитиш, ўқув жараёнларга юқори малакали хорижий олимлар, ўқитувчи ва мутахассисларни кенг жалб қилиш;

-илмий салоҳиятни мустаҳкамлаш, илм-фанни янада ривожлантириш, унинг академик илм-фан билан интеграциялашувини кучайтириш, профессор-ўқитувчиларнинг илмий тадқиқот фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини ошириш, иқтидорли талаба-ёшларни илмий фаолият билан шуғулланишга кенг жалб этиш;

-таълим жараёнида талаба-ёшларга мустақиллик ғояларига, юксак маънавият ва инсонийликнинг миллий анъаналарига содиқлик руҳини чуқур сингдириш, уларда ёт ғоя ва мафкураларга нисбатан иммунитет ва танқидий тафаккурни мустаҳкамлаш бўйича кенг кўламли маърифий ва тарбиявий ишларни олиб бориш;

-моддий-техник базани ўқув ва илмий-лаборатория бино ва корпуслари, спорт иншоотлари, ижтимоий-муҳандислик инфратузилмаси объектларини куриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш, илм-фаннинг устувор йўналишлари бўйича ўқув-илмий лабораторияларни замонавий асбоб ва ускуналар билан жиҳозлаш орқали янада мустаҳкамлаш;

-таълим жараёнини замонавий ахборот-коммуникация технологиялари воситалари билан таъминлаш, талабалар, ўқитувчилар ва ёш тадқиқотчиларнинг жаҳон таълим ресурслари, замонавий илмий адабиётларнинг электрон каталоглари ва маълумотлар базаларига кириш имкониятларини кенгайтириш.

III. ЎҚУВ-ТАРБИЯВИЙ ВА ИЛМИЙ-МЕТОДИК ИШЛАРНИНГ СУБЪЕКТЛАРИ, УЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

9. СамДЧТИ ректорининг буйруғи билан ўқишга қабул қилинган шахс СамДЧТИнинг талабаси ҳисобланади. Талабага талабалик гувоҳномаси ҳамда рейтинг дафтарчаси бепул берилади.

Муассасага қабул қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маълумотиغا эга бўлган шахслар аризаларига биноан Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига талабаларни қабул қилиш тартиб ва қоидаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича Давлат комиссияси қарорига мувофиқ тест синовлари натижаларига кўра тўпланган балларнинг рейтинг тизими бўйича амалга оширилади.

Институтга қабул барча учун (ҳам грант, ҳам тўлов-шартнома бўйича) тенг ҳуқуқлилиқ, ягона қабул қоидалари ва ягона танлов асосида амалга оширилиб, тест синовларида энг юқори балл тўплаган абитуриентларнинг давлат грантлари бўйича биринчи навбатда қабул қилиниш ҳуқуқи таъминланади. Қолган абитуриентлар тест баллари рейтинги асосида белгиланган тўлов-шартнома квоталари доирасида қабул қилиниш ҳуқуқига эгадирлар. Қонунчиликка мувофиқ тест синовларисиз муайян имтиёз асосида ҳам ўқишга қабул қилиш амалга оширилади.

СамДЧТИнинг бакалаврият ва магистратурасига ўқишга қабул қилиш, талабалар ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 20 июндаги 393-сон Қарори билан тасдиқланган “Олий таълим муассасалари бакалаврият, магистратурага ўқишга қабул қилиш, талабалар ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисида”ги Низомларга мувофиқ амалга оширилади.

10. Институтнинг талабалари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

-фан, техника, замонавий технологиялар ютуқларига мос келувчи билимлар олиш;

-институт ахборот-ресурс марказида мавжуд бўлган китоблар, даврий нашрлар, электрон таълим воситаларидан белгиланган тартибда бепул фойдаланиш;

-бепул маслаҳатлар ва йўл-йўриқлар олиш;

-аудиториялар, таълим жараёнига оид воситалардан ўрнатилган тартибда бепул фойдаланиш;

-таълим жараёни самарадорлиги ва таълим сифатини ошириш юзасидан ўз таклиф-мулоҳазаларини, танқидий фикрларини белгиланган тартибда институт маъмурияти, деканат ва кафедра раҳбариятига билдириш ва уларнинг кўриб чиқилишини талаб қилиш;

-институт ва факультет миқёсида ўтказиладиган оммавий тадбирларда иштирок этиш;

-илмий тадқиқот ишларининг барча турларида, конференциялар, симпозиумларда иштирок этиш, ўз илмий ишларини нашрга, шу жумладан, СамДЧТИ нашрларига тақдим этиш;

-институтда қонуний равишда фаолият юритаётган жамоат бирлашмаларига аъзо бўлиш ва улар ишида қатнашиш;

-СамДЧТИ нинг муҳим масалаларини муҳокама этиш ва ҳал қилишда, шу жумладан, жамоат ташкилотлари ҳамда олий таълим муассасасини бошқариш органлари орқали қатнашиш;

-ўқишдан ташқари вақтларда маънавий-маърифий, ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва бошқа қонунчиликка зид бўлмаган жамоат ишларида иштирок этиш;

-ўқишдан бўш вақтларда олий таълим муассасасининг ўзида, шунингдек, бошқа жойларда меҳнат қонунчилигига мувофиқ ишлаш;

-танланган йўналиш (мутахассислик) бўйича ўтиладиган фанлардан ташқари, СамДЧТИда ўқитиладиган бошқа фанларни ўз хоҳишига кўра шартнома асосида ўзлаштириш;

СамДЧТИ маъмуриятининг буйруқ ва фармойишлари устидан қонунчиликда белгиланган тартибда шикоят қилиш;

сифатли ва юқори савияда билим олиш, танланган йўналиши (мутахассислик) бўйича юқори малакали мутахассис бўлиб етишиш учун зарур бўлган қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа ҳуқуқлардан фойдаланиш.

Талаба ўз ҳуқуқларини суиистеъмол қилмаслиги, бу ҳуқуқлардан ўзга шахслар манфаатига зид мақсадларда фойдаланмаслиги шарт.

11. Давлат грантлари бўйича ва тўлов-шартнома асосида ўқитишнинг кундузги шаклида таълим олаётган талабалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартиб ва миқдорда стипендия билан таъминланадилар.

Талабалар тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга асосан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат стипендияси, Ислон Каримов, Алишер Навоий номидаги Давлат стипендиялари, шунингдек, бошқа номдор стипендияни олиш ҳуқуқига эгадирлар.

12. Амалдаги қонун ҳужжатларига асосан талабаларга ҳарбий хизматни ўташ, саломатлигини тиклаш, ҳомиладорлик ва туғиш, болаларни парвариш қилиш учун академик таътил берилиши мумкин.

13. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ кундузги ўқув шаклида таълим олаётган талабаларга институтда ўқиётган вақти давомида ҳарбий хизматга чақириш муддатини кечиктириш имкони берилади.

14. СамДЧТИнинг турар жойга муҳтож талабалар (биринчи навбатда чин етим, ота ёки онасини (боқувчисини) йўқотган, тўлов-шартнома асосида таҳсил олаётган ва моддий томондан қийналаётган талабалар) СамДЧТИ нинг талабалар турар жойларидан санитария меъёрлари ва қоидаларига жавоб берадиган жой билан таъминланади. Талабалар турар жойларида талабаларга коммунал-маиший хизматлар учун тўловлар СамДЧТИ томонидан белгиланади.

15. СамДЧТИдан ўз хоҳиши ёки узрли сабабларга кўра четлаштирилган талаба, талабалар ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби ва қоидалари асосида қайта ўқишга тикланиш ҳуқуқига эга.

СамДЧТИнинг талабалари белгиланган тартиб ва қоидалар асосида бошқа олий таълим муассасаларига ўқишларини кўчириш ҳуқуқига эга.

16. СамДЧТИнинг талабаларига қуйидаги мажбуриятлар юклатилади:

-таълим жараёнида Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари талабаларига, жамиятнинг ахлоқий принципларига, маънавий қадриятларга, СамДЧТИнинг Устави, Ички-меҳнат тартиб қоидалари, Одоб-ахлоқ қоидаларига, талабалар турар жойлари қоидаларига қатъий риоя қилиш;

-олий таълимнинг таълим дастурлари ва ўқув режасида назарда тутилган билимларни эгаллаш;

-ўқув машғулотларини узрли сабабларсиз қолдирмаслик, дарсга кеч қолиб келмаслик;

-таълим жараёнида, шу жумладан, ўқув дастурларида белгиланган вазифаларни ва топшириқларнинг барча турларини белгиланган муддатда ва сифатли бажариш;

-ўз курсдошлари, талабалар, педагоглар ва бошқа ходимлар билан ҳушмуомалада бўлиш;

-кийиниш маданиятига риоя қилиш. Ташқи кўриниши ва ёмон ҳулқ-атвори билан бошқалардан ажралиб турмаслик, ахлоқ-одоб нормаларига сўзсиз бўйсунуш.

17. Институт ҳудудида талабаларга қуйидагилар тақиқланади:

-миллий, ирқий, диний адоватни тарғиб қилувчи ҳар қандай шаклдаги материалларни тайёрлаш, сақлаш, тарқатиш, тарғиб қилиш;

-ҳар қандай кўринишга эга ножўя ҳаракатларни ва бошқа турдаги ҳуқуқбузарликларни содир этиш;

-институт бинолари ва ҳудудидаги моддий-техник ва бошқа мулкларга зарар етказиш;

-ўқиш вақтида СамДЧТИ маъмурияти рухсатсиз чет эл давлатларига бориш.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорларида назарда тутилган ҳоллардан ташқари, талабаларни ўқиш вақти ҳисобидан таълим жараёни билан боғлиқ бўлмаган ишларга жалб этиш ман этилади.

18. Ушбу Устав ва СамДЧТИнинг Ички меҳнат тартиб ва Одоб-ахлоқ қоидаларида назарда тутилган мажбуриятларни бузган тақдирда талабага нисбатан қуйидаги интизомий жазо чоралари қўлланилади: ҳайфсан эълон қилиш, талабалар сафидан четлаштириш.

19. Белгиланган муддатларда фанларни ўзлаштира олмаган (академик қарздор бўлган) талаба СамДЧТИ ректори буйруғи асосида курсдан қолдирилади.

20. Талаба институтдан қуйидаги ҳолларда талабалар сафидан четлаштирилиши мумкин:

- а) ўз хоҳишига биноан;
 - б) ўқишнинг бошқа таълим муассасасига кўчирилиши муносабати билан;
 - в) саломатлиги туфайли (тиббий комиссия маълумотномаси асосида);
 - г) ўқув интизомини ва олий таълим муассасасининг ички тартиб-қоидаларини бузганлиги учун;
 - д) бир семестр давомида дарсларни узрли сабабларсиз 74 соатдан ортик қолдирганлиги сабабли;
 - е) ўқиш учун белгиланган тўлов ўз вақтида амалга оширилмаганлиги сабабли (тўлов-шартнома бўйича таҳсил олаётганлар учун);
 - ж) талаба суд томонидан озодликдан маҳрум этилганлиги муносабати билан;
- з) вафот этганлиги сабабли.

21. Институт маъмуриятининг ташаббуси билан ушбу Уставнинг 20 - бандининг "е)" кичик бандига кўра талабаларни ўқишдан четлаштириш талабалар касаба уюшмасининг ёзма розилигини инобатга олган ҳолда (касаба уюшмаси аъзоси бўлган талабалар учун) амалга оширилади. Шунингдек, талаба мазкур Уставнинг 20-банди "г)" кичик бандига кўра четлаштирилаётган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Ёшлар иттифоқининг СамДЧТИдаги бошланғич ташкилоти ёшлар етакчиси билан ҳам келишилиши мумкин.

Талаба четлаштирилганда, унга (ота-онаси ёки ҳуқуқий васийсига уларнинг аризаси билан) шахсий ҳужжатлари, белгиланган шаклдаги академик маълумотнома топширилади ва уларнинг нусхаси шахсий йиғма жилдга тикиб қўйилади.

Талабага қўлланилган интизомий жазо чорасининг қонунийлиги ва адолатлилиги юзасидан у норозилик билдириши ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тегишли органларга муурожаат этиши мумкин.

Талабага нисбатан қўлланилган интизомий жазо юзасидан маълумот унинг шахсий йиғма жилдида сақланади.

Интизомий жазолар талабаларнинг касаллик ёки таътилда бўлган вақти ҳисобга олинмаган ҳолда хатти-ҳаракат аниқлангандан сўнг бир ойдан ва хатти-ҳаракат содир этилганидан сўнг олти ойдан кечиктирилмай қўлланилади. Талабаларни касаллик вақтида, академик таътил ёки ҳомиладорлик ва туғиш ҳолати билан боғлиқ бўлган таътил вақтларида талабалар сафидан четлаштириш мумкин эмас.

Касаллиги туфайли дарсларга қатнашмаган талаба (ёки унинг ота-онаси) бир ҳафта муддатдан кечиктирмасдан факультет раҳбариятига бу ҳақда хабар беради ва талаба ўқишга келган куни тиббий маълумотномани тақдим этади.

22. Талабалар томонидан СамДЧТИ ҳудуди ва хоналарида мобил телефонлардан фойдаланишлари Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда амалга оширилади.

23. СамДЧТИ қошида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар

Маҳкамасининг 1991 йил 29 июлдаги “Республика ўқувчи-ёшлари ва талабаларига чет тилларни кенг кўламда ўқитиш тизимини оммалаштириш ва унинг моддий-техник базасини ривожлантириш тўғрисида”ги 197-сонли қарорига асосан ташкил этилган Минтақа тил ўргатиш марказида, институт қошидаги Конфуций институтида ўқиётган шахслар тингловчилар ҳисобланади. Марказ ўқувчиларга шартнома асосида чет тилларни узлуксиз ўрганишни, шунингдек, ўқитувчилар ва бошқа ходимларни чет тилларни ўрганиш бўйича режасини амалга оширишни, Ўзбекистон фуқароларига хорижий тилларни, хорижий фуқароларга ҳамда фуқароликка эга бўлмаган шахсларга ўзбек, рус ва бошқа тилларни жадал услубда келишилган ҳажмда ва муддатда ўтишни таъминлайди. Тингловчиларни ўқитиш шартлари ва ҳуқуқлари қонун ҳужжатларига мувофиқ тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан белгиланади.

24. Фалсафа доктори (PhD) ва фан доктори (Doctor of Science), мустақил изланувчилар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 2017 йил 16 февралдаги ПФ-4958-сон Фармонида мувофиқ олий ўқув юртидан кейинги таълимнинг икки поғонали: диссертация ҳимоя қилиш ва тегишли фан тармоғи бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини беришни назарда тутувчи таянч докторантура;

диссертация ҳимоя қилиш ва тегишли фан тармоғи бўйича фан доктори (Doctor of Science) илмий даражасини беришни назарда тутувчи докторантура тизими жорий қилинган.

25. Муассасанинг профессор-ўқитувчилари (педагог ходимлар) таркиби, ўқув-ёрдамчи ва маъмурий-хўжалик ходимлари (персонали).

СамДЧТИда профессор-ўқитувчилар, илмий ходимлар, муҳандислик-техника, маъмурий-хўжалик, ишлаб чиқариш, ўқув-ёрдамчи ва бошқа хизматчилар лавозимлари мавжуд.

Профессор-ўқитувчилар (педагог ходимлар) таркибига кафедра мудири, профессор, доцент, катта ўқитувчи, ўқитувчи (ассистент), ўқитувчи-стажёр лавозимлари киради.

26. Профессор-ўқитувчилар таркибидаги лавозимларни эгаллаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 10 февралдаги 20-сонли қарори билан тасдиқланган “Олий таълим муассасаларига педагог ходимларни танлов асосида ишга қабул қилиш тартиби тўғрисида”ги Низомга мувофиқ талабалар, ота-оналар, Ёшлар иттифоқининг олий таълим муассасаларидаги фаоллари, кадрлар буюртмачилари, профессор-ўқитувчилар ҳамда фуқаролик жамияти институтлари вакиллари билан иборат таркибда жамоатчилик кенгаши тавсиясига кўра танлов асосида меҳнат шартномаси бўйича амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 9 мартдаги Ф-137-сонли фармойишига мувофиқ СамДЧТИ проректорлари ректор тавсиясига кўра Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси билан

келишилган ҳолда тайинланади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 майдаги “Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни жорий этиш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3698-сонли қарорининг 2-бандида олий таълим муассасаларининг илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректорини лавозимга тайинлаш Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги билан келишилган ҳолда тайинланади. Факультет декани Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда институт ректорининг буйруғи билан тайинланади.

27. СамДЧТИнинг профессор-ўқитувчилар таркиби ва илмий ходимлари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- белгиланган тартибда олий таълим муассасаси ва факультет Кенгашларига сайлаш ва сайланиш;

- СамДЧТИнинг фаолиятига тааллуқли масалаларни муҳокама қилишда иштирок этиш;

- СамДЧТИ ахборот-ресурс маркази, ўқув ва илмий бўлинмаларнинг хизматларидан, шунингдек, ижтимоий-маиший, тиббий ва бошқа бўлимлар хизматидан жамоа шартномасига мувофиқ фойдаланиш;

- ўқитишнинг услуб ва воситаларини танлаш, ўқув ва илмий жараённинг юқори сифатини таъминловчи илмий тадқиқот ишларини амалга ошириш;

- СамДЧТИ маъмуриятининг буйруқ ва фармойишлари юзасидан қонунчиликда белгиланган тартибда мурожаат қилиш;

- қонунчиликда белгиланган тартибда танловларда қатнашиш, лавозимларни эгаллаш;

- Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талаблари асосида ўзлари ишлаётган кафедра, факультетдан ташқари бошқа факультет, кафедра, ташкилотларда ўриндошлик асосида ишлаш (асосий иш берувчи билан келишилган ҳолда);

- хорижий ҳамкасбларнинг соҳага доир илмий ва ўқув-услубий адабиётлари билан танишиш ва улар билан фикр алмашиш;

- ўз фани бўйича сифатли дарсликлар ва ўқув қўлланмалар тайёрлаш;

- назарий билимларини, амалий тажрибасини, илмий тадқиқот олиб бориш услубини, педагогик маҳоратини такомиллаштириб бориш;

- талабаларнинг илмий тадқиқот ишларига раҳбарлик қилиш;

- грантлар, илмий лойиҳалар, хўжалик шартномаларида иштирок этиш;

- дарслик ва ўқув қўлланмалар тайёрлаш, монография ва илмий мақолалар ёзиш, ихтиро учун патент, АКТ учун дастурий маҳсулотларга гувоҳномалар олишларини амалга ошириш;

- тасдиқланган режага мувофиқ илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш, илмий-тадқиқот ишларининг муҳокамасида иштирок этиш ва уларнинг натижаларини ишлаб чиқаришга жорий этиш, илмий ишлар натижаларини нашр этишга тавсия бериш;

- таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг самарали интеграциясини таъминлашда қатнашиш;

- талабаларнинг илмий-тадқиқот ишларига раҳбарлик қилиш;
- хорижий етакчи олимлар, илмий марказлар ва таълим муассасалари билан халқаро алоқаларни ривожлантиришда иштирок этиш;
- Ўзбекистон Республикасининг таълим соҳасига оид қонунчилигида белгиланган бошқа ҳуқуқлардан фойдаланиш.

28. СамДЧТИнинг профессор-ўқитувчилар (педагог ходимлар)нинг мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:

- таълим-тарбия жараёнига тегишли барча турдаги меъёрий ҳужжатларни билиш;
- таълим тўғрисидаги қонунчилик, меҳнат интизоми, мазкур Устав ва Ички меҳнат тартиби, Одоб-ахлоқ қоидаларига қатъий риоя қилиш;
- ўзининг хизмат вазифаларини виждонан бажариш ва педагоглик шаънига доғ туширмаслик;
- иш берувчининг қонуний фармойишларини бажариш, ҳар йили тасдиқланадиган шахсий режа асосида ўқув-услубий, илмий ва маънавий-маърифий ишларни ўз вақтида ва сифатли бажариш;
- иш жараёнида мулоқот қиладиган муассаса ходимлари, талабалари ва бошқа шахслар билан ҳушфеъл муносабатда бўлиш;
- ўзининг одоби, маданияти, маънавий савияси билан ўрнак бўлиш;
- кийиниш маданиятига риоя қилиш;
- иш берувчига бевосита етказилган ҳақиқий моддий зарарни қоплаш;
- меҳнатни муҳофаза қилиш, хавфсизлик техникаси ва ишлаб чиқариш санитария талабларига риоя қилиш;
- институтнинг мол-мулкани асраб-авайлаш ва ундан оқилона фойдаланиш;
- Республикада амалга оширилаётган ислохотлар ва жаҳонда рўй бераётган янгиликлардан хабардор бўлиш;
- дарсларни юқори савияда ўтиш;
- талабалар билимини холисона баҳолаш;
- ҳар ўқув йили бошлангунга кадар ўзи ўқитадиган фан(лар)нинг ишчи ўқув дастури, календарь режаси ва назоратлар жадвалини (мажмуа) ишлаб чиқиш, кафедра мажлисида тасдиқлаш ва ўз вақтида ўтказиш;
- ўқув адабиётлар тайёрлаш, илмий мақолалар ёзиш, ихтиро учун патент, АКТ учун дастурий маҳсулотларга гувоҳномалар олиш;
- таълим, фан ва ишлаб чиқаришнинг самарали интеграциясини таъминлашда қатнашиш, талабаларнинг илмий-тадқиқот ишларига раҳбарлик қилиш;
- тарбиявий ишларни олиб бориш, талабалар билан маънавий-маърифий ишларда бевосита иштирок этиш, шу жумладан, дарсдан ташқари вақтларда ўтказиладиган тадбирларда қатнашиш;
- Кенгаш томонидан тасдиқланган кафедра илмий мавзуларида иштирок этиш;
- педагогик ва илмий жараённинг самарадорлигини таъминлаш;

-таълим олувчиларда мустақил фикрлаш, ташаббускорлик, ижодий қобилиятни шакллантириш;

-дарслик, ўқув қўлланма ва бошқа ўқув адабиётларни ёзиш ва нашрга тайёрлаш;

- мутахассислиги бўйича таянч олий таълим муассасалари, ишлаб чиқариш корхоналарида ўз малакасини мунтазам равишда ошириб бориш;

-касбий фаолият соҳасининг долзарб масалаларига бағишланган очик маърузалар, маҳорат дарсларини ўқув йилида камида бир марта ташкил этиш;

-олий таълим сифатини таъминлашда илғор хорижий тажрибаларни қўллаш;

-талабаларга рус тили ёки инглиз (француз, немис) тилларидан бирида маъруза, семинар ва амалий машғулотларни олиб бориш;

-талабалар билан аудиториядан ташқари ишларини ташкил этиш ва уларга раҳбарлик қилиш;

-хорижий давлатларнинг илғор тажрибаларини ўрганиш, уларни олий таълим сифатини таъминлашда ҳамда ўқув ва илмий-тадқиқот жараёнларини ташкил этиш жараёнида қўллаш;

-таълим соҳаларининг давлат таълим стандартлари, бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг малака талаблари, ўқув режалари, ўқув фанлари дастурларини ишлаб чиқиш, такомиллаштириш.

Илмий - тадқиқот жараёнларини ташкил этишда:

-бакалаврлар, магистрлар, докторантлар, мустақил изланувчиларга раҳбарлик қилиш ва магистрларни ҳамда фан докторларини тайёрлаш;

-институт Кенгаши томонидан тасдиқланган кафедра илмий мавзуларида иштирок этиш;

-мутахассислик фанлари соҳасидаги тегишли даврий, илмий нашрлардаги ахборотлар билан ишлаш, илмий янгиликлар ва ахборотлардан ўқув мақсадларида фойдаланиш;

-мутахассислик ёки тадқиқот мавзуси бўйича Web of Science, Scopus, Web of Knowledge, Astrophysics, PubMed, Mathematics, Chemical, Abstracts, Springer, Agris GeoRef каби библиографик базаларидан бирига кирадиган рейтинг юқори халқаро журналларда мақолалар чоп этиш;

-иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа ташкилотларида, етакчи мутахассислар, ҳамда тадбиркорлар билан семинар ва давра суҳбатларини доимий равишда ўтказиш, уларнинг фаолиятида юзага келаётган муаммоларнинг ечимига қаратилган илмий-амалий изланишларни олиб бориш;

-давлат илмий-техника дастурлари ҳамда халқаро илмий танловларга лойиҳалар тайёрлаш, маҳаллий ва халқаро лойиҳалар бўйича фундаментал ва амалий тадқиқотлар олиб бориш ва илмий-тадқиқот ишларини бажариш, грантлар, хўжалик шартномаларида иштирок этиш;

-халқаро ва маҳаллий илмий-назарий ва илмий-амалий конференциялар ва симпозиумларда иштирок этиш;

-рационализаторлик ғоялари, янги лойиҳалар, ихтиролар, электрон дастурлар учун муаллифлик гувоҳномаларини олиш, ижодий ишларни танлов

ва кўргазмаларда намойиш этиш;

29. Профессор-ўқитувчиларни ишга қабул қилиш тегишли кафедранинг кенгайтирилган очик мажлисида педагог кадрлар ва жамоатчилик кенгашининг аъзолари иштирокида синов дарси ўтказиш натижалари бўйича ушбу мажлиснинг тавсиясига кўра амалга оширилади. (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 05.06.2018 й. № ПҚ-3775-сон Қарори)

30. Институт педагог ходимларининг чет эллик хизмат сафарлари Вазирликнинг 13.04.2005 йил 81-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларидан хорижий сафарларга бориш тартиби тўғрисида”ги муваққат Йўриқнома асосида амалга оширилади.

31. СамДЧТИ педагог ходимлар таркибининг уч йилда камида бир маротаба қайта тайёрлаш ва малакасини оширилиши таъминланади.

32. СамДЧТИнинг маъмурий-хўжалик, муҳандислик-техника, ўқув-ёрдамчи ва бошқа хизмат ходимларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари муассаса Ички меҳнат тартиб қоидалари, Одоб-ахлоқ қоидалари ва лавозим Йўриқномалари билан белгиланади.

IV. ЎҚУВ-ТАРБИЯВИЙ ВА ИЛМИЙ-МЕТОДИК ИШЛАР

33. СамДЧТИ таълимнинг асосий таълим дастурларини икки босқичда амалга оширади: бакалавриат ва магистратура.

Бакалавриат – таълим йўналиши бўйича фундаментал ва амалий билимлар берувчи, ўқиш муддати давлат таълим стандартларида белгиланган таянч олий таълимдир.

Бакалавриат дастурини тугатган битирувчиларга давлат аттестацияси яқунларига асосан таълим йўналиши бўйича “бакалавр” даражаси берилади ҳамда давлат намунасидаги диплом топширилади.

Магистратура – йўналишнинг муайян мутахассислиги бўйича фундаментал ва амалий билимлар берувчи, бакалавриат негизида, ўқиш муддати давлат таълим стандартларида белгиланган олий таълимдир.

Магистратура дастурини тугатган битирувчиларга давлат аттестацияси яқунларига асосан тайёрланган муайян мутахассислик бўйича “магистр” даражаси берилади ва давлат намунасидаги диплом топширилади.

Бакалавр ва магистрлик давлат намунасидаги диплом унинг эгаларига касбий фаолият билан шуғулланиш ёки танланган таълим йўналишига ва мутахассислигига мувофиқ, таълим муассасаларининг навбатдаги босқичларида ўқишни давом эттириш ҳуқуқини беради.

Олий таълимнинг турли босқичида асосий таълим дастурлари бўйича дастлабки таълим олиш, иккинчи олий таълим олиш сифатида қаралмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 августдаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 05.06.2018 йил № ПҚ-3775-сон Қарорига биноан алоҳида таълим йўналишлари бўйича ўқиш

муддати камида уч йил бўлган бакалавриат ҳамда камида бир йил бўлган магистратура жорий этилиши, бунда магистратурада мутахассислар тайёрлашни ишлаб чиқариш (амалий) (камида бир йил) ва илмий-педагогик (камида икки йил) йўналишларга ихтисослашган дастурлар асосида ташкил этилиши мумкин.

СамДЧТИда жаҳоннинг етакчи олий таълим муассасалари билан тузилган ҳамкорлик шартномалари асосида бакалавриат ва магистратура йўналишига халқаро таълим стандартларига асосланган илғор педагогик технологиялар асосида ўқиш ташкил қилинади.

34. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 21 ноябрдаги “Олий таълим муассасасида сиртки (махсус сиртки) ва кечки (сменали) таълимни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги Низомларни тасдиқлаш ҳақида”ги 930-сон қарори ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 28 ноябрдаги 868-сонли буйруғи асосида кечки (сменали) таълим ташкил этилган.

35. СамДЧТИда таълим жараёнини ташкил этиш, таянч олий таълим муассасалари томонидан ишлаб чиқиладиган ва ўрнатилган тартибда тасдиқланадиган ўқув режалар ва фан дастурлари, СамДЧТИ ректори (ўқув ишлари бўйича биринчи проректор) томонидан тасдиқланадиган йиллик ўқув жадвали ҳамда машғулотлар жадвали билан тартибга солинади.

36. Таълим-тарбия жараёнининг бирлиги давлат таълим стандартлари билан таъминланади. Институт кафедралари, маънавий-маърифий ва спорт бўғинларига, талабалар ва бошқа жамоатчилик ташкилотларига раҳбарлик қилиш ва уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириб бориш ёшлар билан ишлаш бўйича проректор томонидан амалга оширилади.

37. СамДЧТИда ўқув машғулотларининг қуйидаги асосий турлари белгиланган: маъруза, семинар, амалий машғулот, мустақил иш, амалиёт, курс лойиҳаси (курс иши), бакалаврлик битирув малакавий иши ҳамда магистрлик диссертацияси.

Аудитория машғулотларининг барча турлари учун 80 дақиқалик танаффуссиз қўшма дарс соати белгиланган. Ўқув машғулотлари орасидаги танаффус камида 10 дақиқани ташкил қилади.

Таълим ва тарбия олиб бориладиган тиллар: ўзбек ҳамда рус тили ҳисобланади. Белгиланган тартибда таълим инглиз тилида ҳам олиб борилиши мумкин.

38. Институтда кадрлар тайёрлаш ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда олиб борилади.

Институтнинг асосий касбий таълим дастури доирасида таълим олишнинг барча шакллари учун ўрнатилган тартибда ишлаб чиқилган ва “Ўзстандарт” агентлигида давлат рўйхатидан ўтказилган таълим соҳалари бўйича Давлат таълим стандартлари қўлланилади.

39. Институтда ўқув йили икки семестрга бўлинади ва унинг ҳар бирида талабаларнинг ўзлаштириши назорат ишлари шаклида олиб борилади.

Ўзлаштирувчи талабаларни курсдан курсга ўтказиш факультет деканининг тавсиясига биноан ректор буйруғи билан амалга оширилади.

Талабаларни курсдан курсга шартли ўтказиш мумкин эмас.

Институтнинг таълим дастурларини ўзлаштириш, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган ва Адлия вазирлигидан давлат рўйхатидан ўтказилган “Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш тизими тўғрисидаги Низом”га мувофиқ тартибга солинади, “Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари битирувчиларининг якуний давлат аттестацияси тўғрисидаги Низом”га асосан битирувчиларнинг якуний аттестацияси билан тугалланади.

40. СамДЧТИ да илғор педагогик ва ахборот технологиялари, таълимни индивидуаллаштириш ва мустақил таълим олиш воситаларини, модуль тизими ҳамда масофавий таълим олишни қўллаш ҳисобига мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишга йўналтирилган илмий - услубий ишлар амалга оширилади.

41. Олий ўқув юртидан кейинги таълим

Олий ўқув юртидан кейинги таълим-жамиятнинг олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларга эҳтиёжини таъминлашга йўналтирилган узлуксиз таълим тури.

Олий ўқув юртидан кейинги таълим институти - СамДЧТИда таянч докторантура, докторантура ёки мустақил изланувчилик шаклларидаги олий ўқув юртидан кейинги таълимни амалга ошириш тизими.

Таянч докторантура - Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган, ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда мутахассисликни чуқур ўрганиш ва докторлик диссертациясини тайёрлаш ҳамда химоя қилиш мақсадида улар томонидан илмий изланишлар олиб бориш бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражаси изланувчилари учун СамДЧТИда ташкил этиладиган олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар ихтисосликлари бўйича олий ўқув юртидан кейинги таълим шакли.

Докторантура - Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган, ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда мутахассисликни чуқур ўрганиш ва докторлик диссертациясини тайёрлаш ҳамда химоя қилиш мақсадида улар томонидан илмий изланишлар олиб бориш бўйича фалсафа доктори (DSc) илмий даражаси изланувчилари учун СамДЧТИда ташкил этиладиган олий малакали илмий ва илмий - педагог кадрлар ихтисосликлари бўйича олий ўқув юртидан кейинги таълим шакли.

Мустақил изланувчилик - ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда докторлик диссертациясини тайёрлаш ва химоя қилиш мақсадида мутахассисликни чуқур ўрганиш ва улар томонидан илмий изланишлар бўйича фалсафа доктори (PhD) ёки фан доктори (DSc) илмий даражалари изланувчилари учун СамДЧТИда ташкил этиладиган олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар бўйича олий ўқув юртидан кейинги таълим шакли.

42. . Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим

муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сон қарорига мувофиқ кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича касбий таълим дастурлари амалга оширилади.

Кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказида ўқиш натижаларига кўра ўрнатилган тартибда тасдиқланган давлат намунасидаги сертификат (диплом) берилади.

43. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сонли Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 21 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълим муассасалари педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича касбий таълим дастурлари амалга оширилади.

Кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш факультетида ўқиш натижаларига кўра ўрнатилган тартибда тасдиқланган давлат намунасидаги сертификат (диплом) берилади.

Институт Кенгаши томонидан тасдиқланган мавзулар, режалар бўйича бажариладиган ишларнинг сифати ҳамда меҳнат хавфсизлиги таъминланган ҳолда талабалар, магистрантлар, катта илмий ходим-изланувчи ва мустақил изланувчилар кенг жалб этилиб, илмий-тадқиқот ва ижодий ишлар олиб борилади.

44. Илмий тадқиқотлар қуйидаги маблағлар ҳисобидан молиялаштирилади:

- давлат илмий-техника дастурлари доирасида фан, техника ва маданиятнинг муҳим йўналишлари бўйича фундаментал, амалий ҳамда инновацион тадқиқотларни бажариш учун ажратиладиган давлат бюджети маблағлари;

- шартнома асосида, қонунда белгиланган тартибда соҳавий вазирликлар, идоралар, корхоналар, бирлашмалар ва бошқалар, шу жумладан, хорижий ташкилотлар маблағлари;

- олиб борилган илмий тадқиқот натижаларини ишлаб чиқаришга жорий этиш асосидаги тушумлар;

- бюджетдан ташқари маблағлар;

- ҳомий ташкилот ва корхоналар;

- маҳаллий бюджет маблағлари;

- инновацион фонд маблағлари.

V. САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИНИНГ ТАРКИБИ

45. СамДЧТИ таркибига қуйидагилар киреди:

а) Факультетлар:

- Инглиз тили факультети-I;

- Инглиз тили факультети-II;
- Роман-герман тиллари факультети;
- Таржима назарияси ва амалиёти факультети.

б) Кафедралар:

- Ижтимоий фанлар кафедраси;
- Ахборот технологиялари кафедраси;
- Жисмоний тарбия ва спорт кафедраси;
- Инглиз тили ва адабиёти кафедраси;
- Инглиз тили грамматикаси ва тарихи кафедраси;
- Инглиз тили ўқитиш методикаси ва амалиёти кафедраси;
- Инглиз тили лексикологияси ва стилистикаси кафедраси;
- Француз тили ва адабиёти кафедраси;
- Испан ва италян тиллари кафедраси;
- Немис тили ва адабиёти кафедраси;
- Яқин шарқ (хитой, араб) тиллари кафедраси;
- Узоқ шарқ (корейс, япон) тиллари кафедраси;
- Таржима назарияси ва амалиёти кафедраси;
- Педагогика ва психология кафедраси;
- Инглиз тили назарияси ва амалиёти кафедраси;
- Тил назарияси ва адабиётшунослик кафедраси.
- Инглиз тили тарихи ва грамматикаси кафедраси;
- Инглиз тили интеграллашган курси кафедраси;
- Инглиз тили назарий аспекти кафедраси;
- Инглиз тили ўқитиш методикаси кафедраси.

в) Ўқув ва илмий лабораториялар

Ўқув ва илмий назарий билимларни амалда қўллаш, илмий тадқиқот олиб бориш усуллари ўрганиш ва улардан фойдаланиш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади.

з) СамДЧТИнинг ташкилий тузилмаси қуйидаги маъмурий бошқарув ва бўлимлардан иборат:

- 1., Ректор, СамДЧТИ Кенгаши, Васийлик Кенгаши
2. Ўқув ишлари бўйича биринчи проректор
3. Ёшлар билан ишлаш бўйича проректор
4. Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор
5. Ишлар бошқармаси
6. Ректор ёрдамчиси
7. Мониторинг ва ички назорат бўлими
8. Маркетинг ва битирувчиларни ишга жойлаштириш бўлими
9. Ходимлар бўлими
10. Девонхона ва архив
11. Биринчи бўлим
12. Иккинчи бўлим

13. Юрисконсулт
14. Таълим сифатини назорат қилиш бўлими
15. Ўқув-услубий бўлим
16. Магистратура бўлими
17. Ахборот-ресурс маркази
18. Ахборот технологиялари маркази
19. Факультетлараро кафедралар
20. Маънавият-маърифат ва иқтидорли ёшлар билан ишлаш бўлими
21. Талабалар турар жойи
22. Илмий тадқиқотлар ва илмий-педагог кадрларни тайёрлаш бўлими
23. Тахририй-нашриёт бўлими
24. Босмахона
25. Халқаро алоқалар бўлими
26. Режа-молия бўлими
27. Бухгалтерия
28. Техник фойдаланиш ва хўжалик бўлими
29. Фуқаро ва меҳнат муҳофазаси бўлими
30. Ўқитишнинг техник воситалари бўлими
31. Бош муҳандис
32. Матбуот котиби
33. Жамоатчилик кенгаши

34. Инновацион жамғармалар ва илмий-инновацион ишланмаларни тижоратлаштириш бўйича бўлим. (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 07.05.2018 йил №ПҚ-3698-сон “Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни жорий этиш механизмларини такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ ташкил этилган).

Самарқанд давлат чет тиллар институти таркибида академик лицей фаолият олиб боради. Институт академик лицейнинг ўқув-услубий фаолиятига раҳбарлик қилади ва ўқув жараёнини назорат қилиб боради.

VI. САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИНИ БОШҚАРИШ

46. . Институтни бошқариш Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ҳамда ушбу Уставга мувофиқ яқка раҳбарлик ва институтнинг Кенгаши, Васийлар кенгаши ҳамда Жамоатчилик кенгаши орқали жамоатчилик бошқарувини уйғунлаштириш тамойили асосида амалга оширилади.

47. СамДЧТИни бевосита бошқариш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 9 март 137-ф-сонли Фармойишида белгиланган тартиб асосида тайинланадиган ректор томонидан амалга оширилади.

Ректор институт фаолиятига, шунингдек, институтнинг Ички тартиб қоидалари, Олий таълим тўғрисидаги Низом ҳамда мазкур Уставда белгиланган мажбуриятлар учун тўлиқ масъулдир.

Ректор Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ институт номидан иш олиб боради, барча идоралар, муассасалар, корхоналарда унинг

вакили сифатида қатнашади, институтнинг мол-мулкига масъуллик қилади, шартномалар тузади, ишончномалар беради, банк муассасаларида институтнинг ҳисоб рақамларини очади, молиявий маблағлардан ўрнатилган тартибда фойдаланиш бўйича кўрсатмалар беради.

Ректор институтнинг ваколати доирасида:

-Институтнинг барча ходимлари, талабалари ва бошқа таълим олаётганлар учун мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради ва топшириқлар беради;

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда факультет деканлари ва бош бухгалтерни лавозимига тайинлайди ҳамда лавозимидан озод қилади;

-СамДЧТИ проректорлари лавозимига номзодларни тавсия этади ва проректорлар, деканларнинг муайян вазифалари ҳамда масъулиятларини белгилайди;

-СамДЧТИ ходимлари билан Ўзбекистон Республикаси меҳнат қонунчилиги асосида меҳнат шартномаларини тузади ва бекор қилади;

-СамДЧТИ таркибига кирган илмий тадқиқот, тажриба-экспериментал ҳамда бошқа ташкилот ва бўлинмаларнинг вазифаларини белгилайди ва улар тўғрисидаги низомларни тасдиқлайди;

-СамДЧТИ ходимларининг лавозим маошларига белгиланган тартибда устамалар ва қўшимчаларни белгилайди;

-СамДЧТИнинг ходимлар ва талабалар касаба уюшма қўмиталари билан келишган ҳолда Ички меҳнат тартиб қоидаларини тасдиқлайди;

-СамДЧТИнинг амалдаги қонун ҳужжатлари ёки Вазирликнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари бузилган ҳолда чиқарилган буйруқларини бекор қилади;

-СамДЧТИда намунавий штат бирликларига мувофиқ ажратилган маблағлар ҳамда иш ҳақи фонди, тасдиқланган СамДЧТИ ходимларининг сони ва лавозим маошлари, тариф сеткаси доирасида олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчилари таркиби ва СамДЧТИнинг штат жадвалини тасдиқлайди ҳамда лавозим маошларини белгилайди;

-СамДЧТИ Кенгашининг тавсиясига кўра ўрнатилган тартибда тегишли норматив - ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ факультетларни, кафедраларни очиш (ташқил этиш) ёки ёпиш (тугатиш) қарорларини тасдиқлайди.

-СамДЧТИ ректорига ўзи ишлаётган олий таълим муассасасида ва ундан ташқарида ҳақ тўланадиган бошқа раҳбарлик лавозимида (илмий ва илмий-методик раҳбарликдан ташқари) ўриндошлик бўйича ишлашга рухсат этилмайди. Ректор ўз вазифаларини ўриндошлик бўйича бажариши мумкин эмас.

48. Олий таълим тўғрисидаги Низомга мувофиқ СамДЧТИ фаолиятининг асосий масалаларини кўриш учун Кенгаш фаолият кўрсатади.

Низом бўйича Кенгаш таркибига ректор киради ва Кенгаш раиси ҳисобланади, шунингдек, проректорлар, етук мутахассислар, факультетлар деканлари, институт таркибига кирувчи ташкилот ва тармоқлар раҳбарлари, мутахассис тайёрловчи кафедралар мудирлари, институт талабалари ва

ходимлари, касаба уюшмаларининг вакиллари киради. Кенгашнинг бошқа аъзолари умумий мажлисда (конференцияда) яширин овоз бериш йўли билан сайланади. Педагог ходимлар таркибидан Кенгашга сайланувчи аъзоларнинг сони ректор буйруғи билан белгиланади. Кенгашнинг ваколати, уни сайлаш ва фаолият юритиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган “Олий таълим муассасасининг Кенгаши тўғрисидаги Низом” асосида ишлаб чиқилган ва СамДЧТИ ректори томонидан тасдиқланган “Самарқанд давлат чет тиллар институти Кенгаши тўғрисида” ги Низом билан белгиланади.

СамДЧТИ Кенгашининг ваколатлари:

- конференцияларни ташкил этиш, шунингдек, унинг ўтказилиши билан боғлиқ бошқа масалаларни ҳал қилиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- институтни ривожлантиришнинг асосий истиқболли йўналишларини, шу жумладан, унинг таълим ва илмий фаолиятини белгилаш;

- ўқув жараёнини ташкил этишнинг асосий масалалари, шу жумладан, талабаларни қабул қилиш қоидаларини белгилаш, ўқув режасини тузиш, талабаларни ўқитишнинг амалдаги тартибини тартибга солиш, якуний назоратлар бўйича талабаларни ўзлаштириши натижаларини кўриб чиқиш;

- молиявий-хўжалик фаолиятининг режасини ва институтни ривожлантириш дастурини кўриб чиқиш;

- институт ректорининг йиллик ҳисоботларини тинглаш;

- таълим масалалари, илмий-тадқиқот масалалари бўйича ахборот-таҳлилий, молиявий-иқтисодий фаолиятини ва шунингдек, институтнинг халқаро ҳамкорлик масалалари бўйича қарорларини қабул қилиш;

- институт Кенгашининг иш режасини тасдиқлаш;

- институт профессор-ўқитувчиларидан номзодларни илмий унвонлар олишга тавсия қилиш;

- институтнинг фаолиятини амалга оширувчи таркибий бўлимларни тузиш ва тугатиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш (илмий, илмий-тадқиқот ва илмий-техник лаборатория фаолиятини амалга ошириш, илмий-техник фаолиятини амалга оширувчи бошқа ташкилотларнинг таълим фаолиятини амалга оширувчи бўлимлар ташкил этиш ва тугатиш тўғрисида);

- институт педагогик ходимларини Кенгашда танлов бўйича ўтказиш;

- институт ходимларини Давлат мукофотларига тавсия этиш;

- институт Кенгаши томонидан тасдиқланган қоидалар асосида фахрий унвонлар бериш;

- институтда талабалар учун стипендия масалаларини тартибга солувчи қоидаларни тасдиқлаш;

- Давлат ва номдор стипендияларга талабалар номзодларини тавсия қилиш.

49. Институтда Касаба уюшмалари ва бошқа жамоатчилик кенгашлари фаолият кўрсатади. Талабалар ва ходимлар манфаатларини ҳимоялашни талабалар ва ходимлар-касаба уюшмаси кўмитаси ҳамда уларнинг СамДЧТИда сайланган органлари амалга оширади.

Касаба уюшмаси ҳуқуқлари:

СамДЧТИни ижтимоий ва иқтисодий ривожлантиришга доир масалаларни кўриб чиқишда қатнашиш;

СамДЧТИнинг педагог ходимлари, талабаларига моддий ёрдам кўрсатиш ва рағбатлантиришни ташкил этиш;

Музокаралар олиб бориш, жамоа шартномалари ва келишувларини тузиш;

Жамоа аъзоларидан келган шикоят ариза ва бошқа мурожаатларини кўриб чиқиш;

Меҳнат низоларини кўрувчи органларда ходимлар манфаатини ҳимоя қилиш ва қонунчиликда белгиланган бошқа ҳуқуқлардан фойдаланиш.

СамДЧТИ мажбуриятлари:

Ходимларнинг ваколатли органи бўлган касаба уюшма кўмитасининг ҳуқуқларига риоя қилиш ва унинг фаолиятига кўмаклашиш;

Ходимлар ва талабалар манфаатларига тааллуқли бўлган қарорларни қабул қилишдан олдин уларнинг вакиллик органлари билан маслаҳатлашиш, меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда кўрсатилган ҳолларда эса, уларнинг розилигини олиш;

Ходимларнинг вакиллик органларига нисбатан меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда назарда тутилган бошқа мажбуриятларни бажариш.

Ўзбекистон Ёшлар иттифоқининг СамДЧТИ даги бошланғич ташкилоти ёшлар етакчиси, инсон ҳуқуқлари бўйича вакил, хотин-қизлар кўмитаси ва бошқа жамоа ташкилотлари фаолият кўрсатади.

Қонунчиликда белгиланган тартибда жамоатчилик назоратини жорий этиш мақсадида талабалар, ота-оналар, Ёшлар иттифоқининг СамДЧТИ даги фаоллари, кадрлар буюртмачилари, профессор-ўқитувчилар ҳамда фуқаролик жамияти институтлари вакиллари билан иборат таркибда жамоатчилик кенгашлари, илмий жамиятлар, илмий-услубий, илмий-техник кенгашлар ва комиссиялар, ёш олимлар кенгаши, талабалар маънавий-маърифий клублари ва бошқа жамоа ташкилотлар ташкил этилиши мумкин.

Олий таълим муассасаси жамоатчилик ташкилотларининг тавсияларини Кенгашда кўриб чиқади ва ўз фаолиятида уларни ҳисобга олади.

50. СамДЧТИ таълим фаолиятини йўналишлар бўйича бошқариш ўқув ишлари, ёшлар билан ишлаш бўйича, илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректорлари томонидан амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 9 мартдаги Ф-137-сонли Фармойишига мувофиқ олий таълим муассасасининг проректори ректор тавсиясига кўра Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги раҳбари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси билан келишилган ҳолда тайинланади. Проректорлар ваколатлари СамДЧТИ Ички меҳнат тартиби, Одоб-ахлоқ қоидалари, лавозим вазифалари ва олий таълимга оид бошқа меъёрий ҳужжатлар билан белгиланади.

51. СамДЧТИнинг факультетини Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда ректор томонидан тайинладиган декан бошқаради.

Факультет декани ўз фаолиятини қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ факультетда Кенгаш ташкил этилиши мумкин.

Кенгашнинг таркиби, ваколатлари, шакллантирилиши ва фаолияти қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Кафедрани одатда, фан доктори, фан номзоди илмий даражасига, шунингдек, профессор ёки доцент илмий унвонига, тегишли мутахассислик бўйича хорижий мамлакатларнинг илмий даражаси (Ph.D)га эга бўлган ҳамда белгиланган тартибда институт Кенгашида танловдан ўтган кафедра мудирини бошқаради ва унга кафедра фаолияти учун шахсий масъулият юклатилади.

Кафедра мудирининг вазифалари ва кафедранинг фаолияти қонунчиликда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан 2017 йил 28 апрелдаги 267-сон буйруғи билан тасдиқланган “Вазирлик тасарруфидаги олий таълим муассасалари кафедралари фаолиятини ташкил этиш ҳамда кафедра мудирлари фаолиятини баҳолаб бориш тартиби”га асосан амалга оширади.

VII. МОЛИЯ-ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИ ВА МОДДИЙ-ТЕХНИК БАЗА

52. СамДЧТИга ушбу Уставда назарда тутилган фаолиятни амалга ошириш мақсадида оператив бошқариш ҳуқуқи билан давлат томонидан бинолар, иншоотлар, мулкӣ мажмуалар, СамДЧТИ паспортига мувофиқ асбоб-ускуналар, шунингдек, истеъмол, ижтимоий, маданий ва бошқа мақсадлар учун зарур бўлган мулклар бириктирилган.

СамДЧТИ фақат Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан амалга ошириладиган давлат тасарруфидан чиқариладиган ва хусусийлаштириладиган объектлар қаторига киритилган.

Институтга ажратилган ер участкалари СамДЧТИга муддатсиз текин фойдаланиш учун бириктирилган.

53. СамДЧТИга жисмоний ва юридик шахслардан совға, ҳадя ёки васият бўйича берилган пул маблағлари, мол-мулк ва бошқа мулкӣ объектларга, институт фаолиятининг самараси ҳисобланган интеллектуал ва ижодий маҳсулотларга, шунингдек, ўз фаолияти орқали оладиган даромадлар ва бу даромадлар ҳисобидан сотиб олинadиган мулкӣ объектларга эгаллик қилиш ҳуқуқи берилган.

54. СамДЧТИ мол-мулкни ижарага олувчи ва мол-мулкни ижарага берувчи сифатида фаолият кўрсатиш ҳуқуқига эга. Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ олий таълим муассасаси ўзига бириктирилган ижарага берилиши қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бинолар, иншоотлар ва уларнинг қисмлари, асбоб-ускуналар, транспорт воситалари шаклидаги давлат мулки ва бошқа мол-мулкларни кенгашнинг розилиги билан тасарруф этиш ҳуқуқисиз, белгиланган нархлар бўйича ижарага беришни амалга оширади.

55. Институтнинг таълим фаолиятини молиявий таъминлаш давлат грантлари асосида мутахассислар тайёрлаш учун ажратилган бюджет маблағлари, давлат томонидан белгиланган нормативлардан келиб чиққан ҳолда қайта тайёрлаш ва ходимларнинг малакасини ошириш ҳисобига ажратилган маблағлар, шунингдек, бюджетдан ташқари маблағлар, жумладан, талабалар ва тингловчиларни ўқитиш учун белгиланган тартибда олинган тўлов-шартнома асосидаги маблағлар, инновацион, илмий-тадқиқот натижаларини тижоратлаштириш фаолияти, масофадан ўқитиш, ҳомийлик, грант, чет-эл грантлари ва амалдаги қонунчилик томонидан тақиқланмаган барча молия-хўжалик фаолиятидан олинган маблағлар ҳисобига амалга оширилади.

Институтнинг асосий фаолиятидан четланмаган тартибда таълим ва бошқа соҳаларда пуллик хизмат фаолиятини амалга ошириш мумкин. Институтда шуғулланган тадбиркорлик фаолияти унинг уставида белгиланган вазифаларга мос келиши керак.

Институт пуллик таълим хизматлари, консультациялар ва бошқа хизматлар учун нархларни белгилаш, солиқ ва қонунчиликда назарда тутилган бошқа мажбурий тўловлардан сўнг қолган даромадни мустақил тасарруф этиш ҳуқуқига эга.

56. Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги Қонуннинг 6-моддаси 7-бандига мувофиқ СамДЧТИ уставида белгиланган вазифаларига мувофиқ пулли таълим хизматлари кўрсатиш, шунингдек, тадбиркорлик фаолиятининг бошқа турлари билан шуғулланишга ҳақли. СамДЧТИ да пулли таълим хизматлари кўрсатилиши, шунингдек, илмий-тадқиқот изланишларга қаратилган илмий-ишлаб чиқариш корхоналар, хўжалик жамиятлар ташкил қилиниши мумкин.

СамДЧТИ Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ҳамда мазкур уставга зид бўлмаган шартномаларни тузиш, мажбуриятлар ва бошқа шартларни белгилаш бўйича масалаларни мустақил ҳал қилади.

57. Институтда лавозим маошлари меҳнат шартномаси (контракт) тузилаётганда “Олий таълим муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш” тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ҳамда меҳнатга ҳақ тўлашнинг, СамДЧТИ учун белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш қоидалари ва ягона тариф сеткасига мувофиқ белгиланади. СамДЧТИ ходимига лавозим маоши ўз функционал вазифаларни ҳамда меҳнат шартномасида назарда тутилган ишларни бажарганлиги учун тўланади. Ходимга қўшимча маош, устама ва бошқа моддий рағбатлантириш тадбирларининг ҳажмини институт мустақил, иш ҳақи фонди доирасида қонунчиликда назарда тутилган тартибда ва ҳажмда белгилайди.

СамДЧТИда ташкил этилган жамоат ташкилотларига фаолият кўрсатишлари учун зарур бўлган хоналар ажратилади ва уларнинг тозалигини таъминлаш ташкил этилади.

58. Институтга қарашли умумий овқатланиш жойлари, бўш турган майдончалар СамДЧТИ раҳбарияти томонидан қонунчиликда белгиланган

тартибда ижарага берилиши мумкин.

СамДЧТИнинг тегишли биноларини таъмирлаш, реконструкция қилиш ёки янгиларини қуриш, уларнинг молиявий таъминоти қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

VIII. ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

59. СамДЧТИ Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида” Қонунининг 33-моддасига мувофиқ таълим муаммолари юзасидан халқаро ҳамкорликда иштирок этадилар, чет давлатларнинг тегишли ўқув юртлари билан бевосита алоқалар ўрнатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда улар билан қўшма ўқув юртлари ташкил этиш ҳуқуқига эга.

Чет эл фуқароларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, таълим муассасаси илмий-педагогик ходимларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида ўқитувчилик ва илмий-тадқиқотчилик ишлари давлатлараро органининг хорижий давлатларнинг таълимни бошқариш бўйича тегишли органлари орасидаги шартномалар, шунингдек, СамДЧТИнинг қонунчиликка мувофиқ чет эл фуқаролари ва хорижий юридик шахслар билан бевосита тузган шартномалари асосида амалга оширилади.

60. СамДЧТИда халқаро ҳамкорлик бўйича куйидаги вазифалар амалга оширилади:

- чет эллик олий таълим муассасалари билан тузилган икки томонлама ҳамкорлик шартномалари асосида илмий-педагогик ходимлар алмашинуви дастурларида иштирок этиш;

- ҳамкорликда илмий ва амалий тадқиқотлар, конгресслар, конференциялар, симпозиумлар ва бошқа тадбирларни ташкил қилиш;

- чет эл юридик ва жисмоний шахсларининг буюртмаларига мувофиқ, фундаментал ва илмий-амалий тадқиқотлар, тажриба-конструкторлик ишларини олиб бориш;

- дунёнинг етакчи олий ўқув юртларида ва тадқиқот марказларида иш тажрибасига эга бўлган чет эллик профессор-ўқитувчилар ва мутахассисларни ўқув жараёни ва илмий тадқиқотларда иштирок этиш учун жалб қилиш;

- институт ходим ва талабаларини хорижий олий таълим муассасалари, илмий марказларига стажировка, илмий изланишлар, шунингдек, малака ошириш, конференция, симпозиум ва бошқа тадбирларда иштирок этиш учун юбориш;

- хорижий фуқароларни ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни асосий ва қўшимча таълим дастурлари бўйича ўқитиш, шунингдек, уларга қўшимча пуллик таълим хизматларини кўрсатиш;

- халқаро илмий тадқиқотлар, олий таълимга оид дастурларни амалга оширишда халқаро ташкилотлар томонидан тақдим этиладиган грантлар бўйича танловларда иштирок этиш;

- чет эллик юридик ва (ёки) жисмоний шахслар билан ҳамкорлик шартномаларини тузиш;

- илғор хорижий мамлакатлар таълим тизимини ўрганиш ва таълим

жараёнига татбиқ қилиш;

-хорижий алоқалар фаолиятини ривожлантириш учун зарур моддий-техника базасини мустаҳкамлаш;

-хорижий хамкорликнинг таълим тизимини ривожлантиришга қаратилган ва Ўзбекистон Республикаси Қонунчилигига зид бўлмаган бошқа вазифаларни амалга ошириш.

61. СамДЧТИ ходимлари ва таълим олувчиларнинг чет элга хизмат сафарлари, ўқишлари Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги келишуви асосида СамДЧТИ маъмуриятининг рухсати билан амалга оширилади.

62. СамДЧТИ нинг ташқи иқтисодий фаолиятдан тушган валюта, моддий тушумлари қонунчиликка биноан унинг Уставида белгиланган фаолиятини таъминлаш учун ишлатилади.

IX. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

63. СамДЧТИ Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида белгиланган тартибда қуйидагиларга жавобгар ҳисобланади:

Унинг ваколатига киритилган вазифаларни бажармаганлиги;

таълим жараёнида ўқув режа ва жадвалларга мувофиқ таълим дастурлари ҳажмини тўлиқ бажармаганлиги;

таълим жараёни вақтида СамДЧТИда таълим олувчилар ва ходимларининг ҳаёти ва соғлиғи;

таълим олувчилар ва СамДЧТИ ходимларининг ҳуқуқ ва эркинликларининг бузилганлиги;

Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида назарда тутилган бошқа хатти-ҳаракатлар.

64. СамДЧТИ Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартиб асосида қайта ташкил қилиниши ёки тугатилиши мумкин.

65. Мазкур Устав СамДЧТИ Кенгашининг 2019 йил “4” апрел кунидаги 8 йиғилишида муҳокама қилинган.

65. СамДЧТИ Уставига ўзгартириш ёки қўшимчалар киритиш Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги буйруғи билан амалга оширилади.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

2019 йил “13” апрель

№ 341

Тошкент ш.

**Самарқанд давлат чет тиллар
институтининг янги таҳрирдаги
Уставини тасдиқлаш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 20 июлдаги 341-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тўғрисида”ги Низомнинг 8-банди саккизинчи хатбошисига мувофиқ

БУЮРАМАН:

1. Самарқанд давлат чет тиллар институтининг янги таҳрирдаги Устави иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Самарқанд давлат чет тиллар институти ректори И.Тухтасиновга:
Самарқанд давлат чет тиллар институти Уставини ўрнатилган тартибда Самарқанд шаҳар ҳокимлигида рўйхатдан ўтказиш;
Уставда белгиланган вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
Самарқанд давлат чет тиллар институти фаолиятини мазкур Уставга мувофиқ юритилишини доимий назоратга олиш вазифалари юклатилсин.
3. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2013 йил 5 декабрдаги “Самарқанд давлат чет тиллар институти Уставини тасдиқлаш ҳақида” 451-сон буйруғи бекор қилинсин.
4. Ушбу буйруқ ижросининг назорати вазир ўринбосари У.Бегимкулов зиммасига юклатилсин.

Вазир



И.Маджидов





Шайх Абдулқадир

26 (Ишхона оти)

Варсафдан иборат

Бўлиб, ил билан

тикилади

муҳтарам

